SCIENCE
PROBLEMS.UZ

ISSN 2181-1342

Actual problems of social and humanitarian sciences
Актуальные проблемы социальных и гуманитарных наук

# Ijtimoiy-gumanitar fanlarning dolzarb muammolari

1 (4) 2024

2024

**ISSN:** 2181-1342 (Online)
**Сайт:** https://scienceproblems.uz
**DOI:** 10.47390/SPR1342V4I1Y2024

# SCIENCEPROBLEMS.UZ

## ИЖТИМОИЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

***№ 1(4) - 2024***

## АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

### ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

**ТОШКЕНТ-2024**

**БОШ МУҲАРРИР:**

Исанова Феруза Тулқиновна

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

*07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:*

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор,

Мавланов Уктам Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Аброр – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

Турсунов Равшан Нормуратович – тарих фанлари доктори, Ўзбекистон Миллий Университети Тарих факултети доценти

*08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:*

Карлибаева Рая Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Худойқулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўктамович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Холов Актам Хатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Хамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б, Тошкент молия институти;

Шакаров Қулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

*09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:*

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яхшиликов Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Носирходжаева Гулнора Абдукаххаровна –

т

Турдиев Бехруз Собирович – фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Бухоро давлат университети.

*10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шухрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Салахутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Рахман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич –филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Саидов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

*12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАР:*

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуротовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Хуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Ғайбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Утемуратов Махмут Ажимуратович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳакимов Комил Бахтиярович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Юсупов Сардорбек Баходирович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Амиров Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби;

Жўраев Шерзод Юлдашевич – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Бабаджанов Атабек Давронбекович – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Раҳматов Элёр Жумабоевич - юридик фанлар номзоди, Тошкент давлат юридик университети;

*13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:*

Хашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Жавлиева Шахноза Баходировна – педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Самарқанд давлат университети;

Бобомуротова Латофат Элмуродовна - педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Самарқанд давлат университети.

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази;

Тайланова Шохида Зайниевна – педагогика фанлари доктори, доцент.

*19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Каримова Васила Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбаҳор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психологияси кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарканд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиғи.

*22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Латипова Нодира Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

Содиқова Шоҳида Мархабоевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси

*23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР*

Назаров Насриддин Атақулович –сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич –сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

**ОАК Рўйхати**

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхати (Рўйхатга) киритилган.

Электрон журнал **1368-сонли гувоҳнома** билан давлат рўйхатига олинган.

**Муассис**: “SCIENCEPROBLEM S TEAM” масъулияти чекланган жамияти.

## МУНДАРИЖА

### 07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ


*Mustafoyev Abubakr Muhiddin oʻgʻli*
XIII VA XIV-ASRDA YASHAB IJOD ETGAN BUXORO FAQIHLARI VA ULARNING ASARLARI TAVSIFI (1-qism)........9-14

*Mirzayev Avazbek*
ANDIJON TAJRIBA PAXTA DALASI TARIXINING ARXIV HUJJATLARIDA YORITILISHI ........15-21

*Алиджанова Лазизахон Аббасовна*
ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТЛАРДА ДИН ВА ТАБОБАТ МАСАЛАСИНИ ЎРГАНИШДАГИ ЁНДАШУВЛАР ........22-28

*Sobirov Sardorbek Abdusattor oʻgʻli*
XIX-ASRNING IKKINCHI YARMIDA SHARQIY TURKISTONDA ROSSIYA VA BRITANIYA IMPERIYALARI RAQOBATI ........29-34

*Джалолов Бахром Джамолович*
СОВЕТ ҲОКИМИЯТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДА “ПАХТАЯККАҲОКИМЛИГИ” СИЁСАТИ ВА БОЛАЛАРГА КЎРСАТГАН ТАЪСИРИ ........35-39

*Maxmatkulova Nozikoy Choriyevna*
OʻZBEKISTONDA XX ASRNING IKKINCHI YARMIDA IRRIGATSIYA-MELIORATSIYA VA QISHLOQ XOʻJALIGINI MEXANIZATSIYALASH SOHASIDA YURITILGAN KADRLAR SIYOSATI ........40-45

*Ochilov Farhod*
OʻZBEKISTONDA OʻZINI OʻZI BOSHQARISH ORGANLARINING AHOLINI IJTIMOIY HIMOYA QILISHDAGI FAOLIYATI ........46-52

*Ҳамроева Нодира Нормуродовна*
ЎЗБЕКИСТОНДА ЕР-СУВ ИСЛОҲОТИ ЖАРАЁНИДА ИЖТИМОИЙ МУОММОЛАР ........53-58

*Мамажонов Алишер, Алишеров Абдувоҳид Алишерович*
ЎЗБЕКИСТОНДА ГИДРОЭЛЕКТР СТАНЦИЯЛАРНИНГ БАРПО ЭТИЛИШИ ТАРИХИ ........59-65

*Tursunov Ravshan Normuratovich*
XIX-ASRNING IKKINCHI YARMI – XX-ASR BOSHIDA TURKISTON OʻLKASIDA SODIR BOLGAN ZILZILALAR TARIXIGA BIR NAZAR ........66-71


### 08.00.00 – ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ


*Умурзакова Мўътабархон Нодир қизи*
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ СОҲАСИНИ ТИББИЙ СУҒУРТА АСОСИДА МОЛИЯЛАШТИРИШ МОДЕЛИ ........72-78

*Ro’zmetov Baxodir Shomurotovich*
TURIZMDA XIZMATLAR MOHIYATI VA UNING IJTIMOIY-IQTISODIY RIVOJLANISHNI TA’MINLASHDAGI O’RNI ........79-90

*Shanazarova Nilufar Baratovna*
MILLIY IQTISODIYOTDA TRANSPORTNING AHAMIYATI ........91-99

*Рахимов Ойбек Бахтиёрович*
АВТОТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИ СУҒУРТА ҚИЛИШНИНГ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ МОХИЯТИ ........100-109

*Болтаев Нурали Шираматович*
АГРАР ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА КАДРЛАР САЛОҲИЯТИНИ БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ АСОСИДА КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШНИНГ ЙЎНАЛИШЛАРИ ........ 110-118

*Эрханов Муҳаммаджон Абсайитович*
ДАВЛАТНИНГ ХАЛҚАРО РЕЙТИНГ ВА ИНДЕКСЛАРДАГИ ЎРНИНИ ЯХШИЛАШДА ИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИКНИНГ ЎРНИ ........ 119-124

*Жураева Гульзира*
АНАЛИЗ ЭФФЕКТИВНОГО ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ЦИФРОВЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В МЕЖДУНАРОДНОЙ ТОРГОВЛЕ И УСЛУГАХ В ЭКОНОМИЧЕСКОМ РАЗВИТИИ ........ 125-130

*Akbarov Husan O‘zbekxonovich*
BOG‘DORCHILIKDA TEXNIK SAMARADORLIKNI TAHLIL ETISHNING PARAMETRIK VA NOPARAMETRIK USULLARI ........ 131-136

*Yaqubova Yulduz Raimovna*
KICHIK BIZNES SUBYEKTLARINING ISHLAB CHIQARISHINI SAMARALI AMALGA OSHIRISH KO'RSATKICHLARI ........ 137-147

*Рахимбаев Акмал Азатбоевич*
ЎЗБЕКИСТОН ҲУДУДЛАРИНИ САНОАТГА ИХТИСОСЛАШУВ ДАРАЖАСИНИ ТАРМОҚЛАР БЎЙИЧА АНИҚЛАШ ........ 148-157

*Saidmurodov Feruz Sodiqjon o'g'li*
SAMARALI SOLIQ SIYOSATI-INNOVATSION RIVOJLANISHGA O‘TISHNING ASOSIY SHARTI ........ 158-170

## *09.00.00 – ФАЛСАФА ФАНЛАРИ*

*Наврўзова Гулчеҳра Нигматовна*
БАҲОУДДИН НАҚШБАНД РУБОИЙЛАРИНИ ШАРҲЛАГАН АЛЛОМА ........ 171-175

*Шарифходжаева Наргиза Абдуманноновна*
ФИЛОСОФИЯ СВОБОДЫ, РАВЕНСТВА И СОЦИАЛЬНОЙ СПРАВЕДЛИВОСТИ МУХАММАДА АЛИ ДЖИННЫ ........ 176-181

*Nasimov Azizbek Azimovich*
AXBOROTLASHGAN JAMIYAT RIVOJLANISHIDA AXLOQIY QADRIYATLARNING FALSAFIY MOHIYATI ........ 182-186

*Norkulov Olim Nasimovich*
GLOBALLASHUV JARAYONIDA MIGRATSIYANING AHOLI AXLOQIY QADRIYATLARIGA TA’SIRI ........ 187-191

*Хасанов Бобуржон Хакимович*
ОММАВИЙ НОРОЗИЛИКЛАРНИ ОЛДИНИ ОЛИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ ........ 192-197

*Quramboyev Alisher Maxsudovich*
YANGI O’ZBEKISTON VA IJTIMOIY DAVLATCHILIK ........ 198-204

*Raxmonberdiyev Islombek Ilxom o’gli*
SIVILIZATSIYALAR TARAQQIYOTIDA MADANIYATLAR TO‘QNASHUVINING IJTIMOIY-FALSAFIY AHAMIYATI (Samyuel F. Xantingtonning “Sivilizatsiyalar to’qnashuvi” asari asosida) ........ 205-214

*Shukurov Orif Jumaboyevich*
JAMIYATDA YOSHLARNING IJTIMOIY AKTIVLIGINI OSHIRISH XUSUSIYATLARI VA TAMOYILLARI ........ 215-219

**10.00.00 – ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ**

*Akhmedov Oybek Saporbayevich*
THEORETICAL OVERVIEW OF THE DEFINITION “TERM” AND “TERMINOLOGY” IN LINGUISTIC SURVEYS ........ 220-227

*Равшанова Гулрухбегим Қаҳрамон қизи*
ЯНГИ ЎЗБЕК ШЕЪРИЯТИДА ҲАЖВНАВИСЛИК АНЪАНАСИ ........ 228-232

*Ortiqova Mavluda Nurmahammadovna*
AQOID ILMIDA KAROMAT TUSHUNCHASI VA BADIIY ADABIYOTDAGI TALQINI ........ 233-237

*Uliqova Mavludaxon*
“QON-QARINDOSH” KONSEPTINI FONETIK-FONOLOGIK SATHDA NAMOYON BO’LISHI ........ 238-243

*Rahmonov Asror ibni Nusrat*
HERMANN HESSE HAYOTI, IJODI VA ADABIYOTDAGI O’RNI ........ 244-252

*Raxmatova Dilafruz Nusratilloyevna*
SAMARQAND JADIDCHILIK MAKTABI VAKILLARI ASARLARINING TIL XUSUSIYATI ........ 253-258

*Djuraeva Muxlisa Shadiyarovna*
INGLIZ VA O‘ZBEK TILLARIDA OILAVIY NUTQDAGI IJTIMOIY-MADANIY FARQLAR ........ 259-265

*Vokhidova Tamanno Saidjonovna*
MEDIALINGUISTICS AS A MODERN SCIENTIFIC DIRECTION ........ 266-271

*Djurayeva Shahlo G’ulom qizi, Sattarova Ismigul Baxtiyorovna*
INGLIZ ADABIYOTLARIDA KIRITMA BIRLIKLARNING BADIIY SEMANTIKASI ........ 272-277

**12.00.00 – ЮРИДИК ФАНЛАР**

*Uzakova Go‘zal Sharipovna*
O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASIDA “YASHIL QURILISH”NI AMALGA OSHIRISHNING HUQUQIY MASALALARI ........ 278-286

*Мирзаев Шухрат Шавкатович*
СУЩНОСТЬ И СОДЕРЖАНИЕ КАТЕГОРИИ ПРАВОПОНИМАНИЯ ........ 287-293

*Qosimov Botirjon Ma’rufjon o‘g‘li*
SUD HOKIMIYATINING MOLIYAVIY MUSTAQILLIGI: KONSTITUTSIYAVIY TAHLIL ........ 294-301

*Islombek Abdikhakimov*
QUANTUM COMPUTING AND LEGAL READINESS FOR E-GOVERNMENT SERVICES ........ 302-309

*Ходжаева Ширинхон Олимхон кизи*
ПЕРСПЕКТИВЫ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ИСКУССТВЕННОГО ИНТЕЛЛЕКТА В СУДЕБНОЙ СИСТЕМЕ ........ 310-315

*Jiyenbayev Baxadir Ospanovich*
EKOLOGIK AUDITNI HUQUQIY TA’MINLASHNING AYRIM XUSUSIYATLARI: MILLIY VA XORIJIY TAJRIBA ........ 316-322

*Алишаев Собир Турсунбоевич*
СУД ҲУКМИНИ ЧИҚАРИШ ЖАРАЁНИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА РАҚАМЛАШТИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ ........ 323-329

*Адембаев Аралбай Куралбаевич*
АЙРИМ ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ЖИНОЯТ ҚОНУНЛАРИДА ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ ҲАРАКАТИ ЁКИ УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ХАВФСИЗЛИГИ ҚОИДАЛАРИНИ БУЗИШ УЧУН ЖАВОБГАРЛИК МАСАЛАЛАРИ ........ 330-339

## *13.00.00 – ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ*

*Матенов Рашид Бекимбетович, Анатолий Викторович Тряпельников*
ЮРИДИЧЕСКИЙ ТЕКСТ КАК ОБЪЕКТ ОБУЧЕНИЯ РУССКОМУ ЯЗЫКУ СТУДЕНТОВ-ЮРИСТОВ: ИННОВАЦИОННЫЕ ПОДХОДЫ И МЕЖОТРАСЛЕВЫЕ ПЕРСПЕКТИВЫ ........ 340-346

*Xajiyeva Iroda Adambayevna*
TALABALARGA ZAMONAVIY O‘ZBEK SHE’RIYATI VA FOLKLOR MUNOSABATINI TUSHUNTIRISHDA PEDAGOGIK TEXNOLOGIYALARNING O‘RNI ........ 347-351

*Ayatov Raximberdi Ibragimovich*
XORIJIY TILDA TURIZM VA MEHMONXONA BIZNESI SOHASIGA OID SO‘Z VA IBORALARNI O‘QITISHDA TIL KO'NIKMALARINI RIVOJLANTIRISH ........ 352-357

*Saidova Dilobar Ikrambayevna*
MEHRIBONLIK UYLARI TARBIYALANUVCHILARIDA IJTIMOIY XULQ-ATVORNI RIVOJLANTIRISH ZARURATI ........ 358-361

*Eshqobilov Elmurod Menglimurod o’g’li*
KOMPETENSIYAVIY YONDASHUV ASOSIDA BO’LAJAK JISMONIY TARBIYA O’QITUVCHISINING KASBIY-PEDAGOGIK IJODKORLIKNI RIVOJLANTIRISH METODIKASI ........ 362-367

*Ҳамдамова Шахноза Юсупалиевна*
ТИББИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ФАНЛАРАРО ИНТЕГРАЦИОН ЁНДАДАШУВ АСОСИДА ТАЛАБАЛАРНИ КАСБИЙ ЛАЁҚАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ........ 368-375

*Janonova Sitora Berdinazarovna*
TA’LIM VA TARBIYA TARAQQIYOTIDA KOMMUNIKATIV KOMPETENSIYA TUSHUNCHASINING O‘RNI ........ 376-381

*Турсунбоева Мухлиса Анвар қизи*
ТАБИИЙ ФАНЛАР ФАКУЛЬТЕТЛАРИДА ИНГЛИЗ ТИЛИНИ КАСБГА ЙЎНАЛТИРИЛГАНЛИК АСОСИДА ЎҚИТИШ ПЕДАГОГИК МУАММО СИФАТИДА ........ 382-387

*Bakhadirova Shoxina Nadir kizi*
INGLIZ TILIDA GAPIRISH KO‘NIKMASINI RIVOJLANTIRISHGA YO‘NALTIRILGAN MASHQ VA TOPSHIRIQLARNI ONLINE KO‘RINISHDA O‘QITISH ........ 388-392

*Qurbonova O‘lmasoy Usmonovna, Niyozova Shohista Nusratilloyevna*
OILA BARQARORLIGINI SHAKLLANTIRISHNING PEDAGOGIK OMILLARI ........ 393-397

*Xudayberdiyeva Mahliyo Zayniddin qizi*
BO'LAJAK O'QITUVCHILARDA KOMMUNIKATIV YONDASHUV ASOSIDA KASBIY SIFATLARINI RIVOJLANTIRISHNING PEDAGOGIK SHART-SHAROITLARI VA INNOVATSION METODLARI ........ 398-403

SCIENCE PROBLEMS.UZ

Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари. -№ 1(4) - 2024.
ISSN: 2181-1342 (Online)
https://scienceproblems.uz

**Алишаев Собир Турсунбоевич,**
Тошкент давлат юридик университети
Жиноят-ҳуқуқий ҳуқуқи кафедраси ўқитувчиси
e-mail:sobiralishaev25@gmail.com

## СУД ҲУКМИНИ ЧИҚАРИШ ЖАРАЁНИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА РАҚАМЛАШТИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

**Аннотация.** Ушбу илмий мақола, суд ҳукмларини чиқариш жараёнини такомиллаштиришда рақамлаштиришнинг имкониятлари ва истиқболларини ўрганади. Хусусан, рақамлаштириш жараёнлари судларнинг самарадорлиги ва шаффофлигини оширишда қандай роль ўйнаши мумкинлиги таҳлил қилинади. Мақолада, Ўзбекистон ва бошқа давлатларнинг суд тизимларида рақамлаштириш амалиёти кўриб чиқилади ва бу борадаги халқаро тажрибалар ўрганилади. Муаллиф, рақамлаштиришнинг судларнинг иш самарадорлиги, иш юритиш тезлиги ва адолатлилигини оширишга қандай таъсир қилиши мумкинлигини батафсил кўриб чиқади.
**Калит сўзлар:** Рақамлаштириш, ҳукм, ҳуқуқий технологиялар, суд самарадорлиги, автоматлаштирилган тизимлар, электрон судлов.

---

**Alishaev Sobir Tursunboyevich,**
Lecturer of the Department of Criminal and Procedural Law
of Tashkent State Law University, Tashkent,
Republic of Uzbekistan

## PROSPECTS FOR USING THE POSSIBILITIES OF DIGITALIZATION IN IMPROVING THE SENTENCING PROCESS

**Abstract.** This scientific article examines the possibilities and prospects of digitalization in improving the sentencing process. In particular, it will be analyzed how digitalization processes can play a role in improving the efficiency and transparency of courts. The article will examine the practice of digitalization in the judicial systems of Uzbekistan and other countries and explore international experience in this area. The author examines in detail how digitalization can affect the efficiency of the courts, the speed of conducting cases and improving fairness.
**Keywords:** Digitization, judgment, legal technology, judicial efficiency, automated systems, electronic litigation.

---

**Алишаев Собир Турсунбоевич**
Преподаватель кафедры уголовного-процессуального права
Ташкентского государственного юридического университета,

## ПЕРСПЕКТИВЫ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ВОЗМОЖНОСТЕЙ ЦИФРОВИЗАЦИИ В СОВЕРШЕНСТВОВАНИИ ПРОЦЕССА ВЫНЕСЕНИЯ ПРИГОВОРА

**Аннотация.** В данной научной статье рассматриваются возможности и перспективы цифровизации в улучшении процесса вынесения судебных приговоров. В частности, будет проанализировано, как процессы цифровизации могут сыграть роль в повышении эффективности и прозрачности судов. В статье будет рассмотрена практика цифровизации в судебных системах Узбекистана и других государств и

изучен международный опыт в этой области. Автор подробно рассматривает, как цифровизация может повлиять на эффективность работы судов, скорость ведения дел и повышение справедливости.

**Ключевые слова:** Цифровизация, приговор, правовые технологии, судебная эффективность, автоматизированные системы, Электронное правосудие.

DOI: https://doi.org/10.47390/SPR1342V4I1Y2024N44

**Кириш.** Жаҳон бўйлаб рақамлаштириш ва технологиянинг тез суръатлар билан ривожланиши ҳуқуқий соҳани, жумладан суд ҳукмлари чиқариш жараёнини ҳам замонавийлаштиришга олиб келмоқда. Бу ўзгаришлар суд тизимининг самарадорлиги ва шаффофлигини ошириш имконини беради. Рақамлаштириш орқали суд ҳукмлари чиқариш жараёнида шаффофлик ва адолатлиликнинг ошишига эришилади. Бу эса фуқароларнинг ҳуқуқий тизимга бўлган ишончини мустаҳкамлайди.

Бундан ташқари, рақамлаштириш, судларнинг ишлаш самарадорлигини оширади, бу эса навбатларни қисқартиради ва суд ҳукмларини чиқариш жараёнини тезлаштиради ҳамда тизимлар инсоний хатоларни камайтиришга ёрдам беради, бу эса суд ҳукмларининг аниқлиги ва ишончлилигини оширади.

Ўзбекистон ва бошқа давлатларда ҳуқуқий тизимни модернизация қилиш ва ислоҳотларни амалга оширишда рақамлаштиришнинг роли катта. Бу тадқиқот муҳим ислоҳотларга йўл очади. Рақамлаштириш жараёни халқаро ҳуқуқий меъёрларга мослашишда муҳим аҳамиятга эга, бу эса глобаллашув шароитида муҳимдир. Шу сабабли, мақола, ҳуқуқий соҳада замонавий технологияларнинг аҳамиятини кўрсатиб, келажакдаги ислоҳотлар учун муҳим йўналишларни белгилаб беради.

**Муҳокама.** Мазкур тадқиқотнинг асосий мақсади суд ҳукмларини чиқариш жараёнида рақамлаштиришнинг имкониятларини таҳлил қилиш ва бу орқали суд тизимини янада самарали ва шаффоф қилиш йўлларини ишлаб чиқишдир.

Вазифаларга:

- рақамлаштириш жараёнларининг суд ҳукмларини чиқаришдаги аҳамиятини ўрганиш ва унинг самарадорлиги ҳамда шаффофлигига таъсирини таҳлил қилиш;
- Ўзбекистон ва бошқа давлатларнинг суд тизимларида рақамлаштиришнинг амалиётини ўрганиш ва солиштириш;
- рақамлаштириш жараёнида учраши мумкин бўлган техник ва ташкилий чекловларни аниқлаш ва уларнинг ечимларини топиш;
- рақамлаштириш жараёнларининг ҳуқуқий ва этик жиҳатларини таҳлил қилиш;
- Ўзбекистоннинг суд тизимида рақамлаштиришни жорий этиш бўйича амалий тавсияларни ишлаб чиқиш. [1]

Рақамлаштиришнинг асосий жиҳатларига қуйидагилар киради:

1. Суд ҳукмларини чиқариш жараёнида маълумотларни автоматлаштирилган тарзда бошқариш. Бу ўз ичига ҳужжатларни электрон шаклда сақлаш, иш юритишни автоматлаштириш ва маълумотлар базасини яратишни олади.

2. Суд мажлисларини ва ҳужжат айланишини электрон шаклда амалга ошириш. Бу орқали суд жараёнларининг тезлиги ва самарадорлиги ошади.

3. Суд қарорларини онлайн режимда қабул қилиш ва эълон қилиш имконияти. Бу фуқароларга қарорлар билан тез ва осон танишиш имконини беради.

4. Ҳужжатларнинг ҳақиқийлигини таъминлаш учун рақамли имзолардан фойдаланиш ва маълумотлар алоқасини ҳимоялаш.

5. Суд ишларида далилларни рақамли форматда сақлаш ва тақдим этиш, бу орқали далилларни бошқариш самарадорлиги ошади.

6. Фуқаролар ва адвокатлар учун суд ишлари бўйича маълумотларни онлайн тарзда кўриш ва улар билан ишлаш имкониятлари яратилади.

7. Суд ишлари бўйича статистика ва ҳисоботларни автоматик тарзда тузиш ва таҳлил қилиш имконияти кенгаяди. [2]

Юқоридагилардан келиб чиқиб, рақамлаштиришнинг афзалликларига суд жараёнларининг тезлиги ва самарадорлиги, инсон омили билан боғлиқ хатоларни камайиши, суд ҳукмлари чиқаришда адолатлилик ва шаффофлик, фуқароларнинг суд тизимига бўлган ишончини мустаҳкамланишини киритишимиз мумкин.

Кўплаб ривожланган давлатлар суд ишларини бошқариш учун электрон судлов тизимларини жорий этган. Бу тизимлар суд ишларини автоматлаштириш, онлайн аризаларни қабул қилиш ва суд ҳужжатларини электрон шаклда тақдим этиш имконини беради. Пандемия даврида кўплаб давлатлар онлайн суд мажлисларини ўтказишни бошладилар, бу эса суд жараёнларини давом эттириш имконини берди.

Баъзи ривожланган давлатлар суд қарорларини чиқаришда сунъий интеллект ва махсус алгоритмлардан фойдаланишни бошлаган. Бу технологиялар маълумотларни таҳлил қилиш ва қарорларни оптималлаштиришда ёрдам беради.

Блокчейн технологияси ҳуқуқий ҳужжатларнинг ишончлилигини ва шаффофлигини таъминлашда қўлланила бошлаган.

Шу тарзда, хорижий давлатларнинг суд ҳукмларини чиқариш жараёнида рақамлаштиришнинг қўлланилиши мисоллари Ўзбекистон суд тизимининг ривожланиши ва замонавийлашуви учун муҳим ўрнак бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Блокчейн технологияси, асосан криптовалюталар билан боғлиқ бўлган бўлса-да, унинг ҳуқуқий соҳага ҳам татбиқи кенгайиб бормоқда. Блокчейн бир қатор асосий хусусиятларга эга бўлиб, уларнинг ҳар бири ҳуқуқий ҳужжатларнинг ишончлилиги ва шаффофлигини таъминлашга ёрдам беради.

Блокчейнда маълумотлар марказлаштирилмаган, яъни улар бир нечта компьютерлар (нодлар) орасида тарқатилган ҳолда сақланади. Бу тизимни бошқарувчи марказий органнинг йўқлиги маълумотларнинг мустақиллигини ва хавфсизлигини таъминлайди. Ҳар бир блок маълумотларнинг транзакциялар тарихини сақлайди ва улар блокчейннинг мустаҳкам занжирида ўзгартириб бўлмайдиган қилиб қўйилади. Бу ҳужжатларнинг ўзгаришсизлигини ва изчиллигини кафолатлайди.

Блокчейнда сақланган маълумотлар умумий кўришга очиқ бўлиб, исталган фойдаланувчи томонидан текширилиши мумкин. Бу шаффофликни таъминлайди ва маълумотларга осон кириш имконини беради. Блокчейннинг криптографик технологиялари маълумотларнинг хавфсизлигини таъминлайди. Блокларнинг ҳар бири аввалги блок билан махсус ҳисоблаш алгоритмлари орқали боғланган, бу эса блокчейнни ўзгартиришни ёки бузишни деярли имконсиз қилади.

Блокчейнда "ақлли шартномалар" (smart contracts) ёрдамида муайян шартлар бажарилганда автоматик равишда амалга ошириладиган транзакцияларни ўрнатиш

мумкин. Бу юридик жараёнларни автоматлаштириш ва самарадорлигини ошириш имконини беради.

Суд соҳасида рақамлаштириш тизимларини ишлатиш бўйича дунёнинг кўплаб мамлакатларида турли ёндашувлар мавжуд. Қуйида айрим мамлакатларда ишлатилаётган рақамлаштириш тизимларининг мисоллари келтирилган:

АҚШда электрон ҳужжатларни алмашинуви (E-filing): АҚШ судлари кўплаб ҳолатларда электрон ҳужжатларни алмашинуви тизимидан фойдаланади. Бу орқали адвокатлар ва фуқаролар судга ҳужжатларни онлайн тарзда топширишлари мумкин. Пандемия даврида АҚШ судлари онлайн суд мажлисларини ўтказишга ўтди, бу орқали суд жараёнларини тез ва самарали ўтказиш имконияти яратилди.

Европа Иттифоқида Европа Иттифоқининг юстиция портали: ЕИ аъзо мамлакатларида суд ишлари бўйича маълумотларни берувчи ягона онлайн платформа ишлаб чиқилган. Бу портал суд ишлари бўйича маълумотларга кириш ва ҳуқуқий ёрдам олиш имконини беради. Европа мамлакатларининг кўпчилиги судлараро ҳужжатлар алмашинувини рақамлаштиришга ўтган.

Жанубий Кореяда сунъий интеллектга асосланган тизимлар мавжуд бўлиб, улар суд тизимида сунъий интеллектга асосланган қарорларни қабул қилиш тизимларидан фойдаланилади. Бу технология суд қарорларини чиқаришни тезлаштиради ва адолатлиликни таъминлашга ёрдам беради. [5]

Сингапурда суд жараёнлари ва ҳуқуқий хизматларнинг кўп қисми онлайн тарзда амалга оширилади. Бу суд тизимининг самарадорлигини оширади ва фуқароларга қулайлик яратади.

Ҳиндистонда судлар электрон судлов тизимларини жорий этишга интилмоқда, бу орқали суд жараёнларини тезлаштириш ва уларни шаффофроқ қилиш кўзда тутилган.

**Натижа.** Суд тизимини рақамлаштириш жараёни Ўзбекистонда кенг кўламда амалга оширилмоқда. Жорий этилаётган бир қатор янгиликлар қуйидагиларни ўз ичига олади:

**Видеоконференцалоқа орқали суд мажлислари**: Суд мажлисларида иштирок этиш учун видеоконференцалоқа тизимидан фойдаланиш имконияти яратилган. Бу суд жараёнларини анъанавий суд залидан ташқарида ҳам амалга ошириш имконини беради.

**Суд ишларини автоматик тақсимлаш**: Суд ишларини судьялар ўртасида автоматик тарзда тақсимлаш тизими жорий қилинган. Бу суд ишларини бошқаришда самарадорликни оширади.

**Электрон тарзда суд қарорларини чиқариш**: Суд қарорлари энди электрон шаклда чиқарилиб, мажбурий ижрога қаратилади. Бу жараён суд қарорларининг ижросини тезлаштиришга ёрдам беради.

**Онлайн шикоят бериш имконияти**: Фуқаролар энди суд қарорларидан норози бўлган тақдирда, электрон тарзда шикоят беришлари мумкин.

**Ахборот тизимлари ўртасидаги интеграция**: Судлар ва бошқа вазирлик ҳамда идоралар ўртасидаги маълумот алмашинуви энди ахборот тизимлари ўртасида интеграция қилинган ҳолда амалга оширилади, бу эса қоғоз ишларини камайтиради ва жараёнларни тезлаштиради. [8]

Албатта рақамлаштириш жараёнини амалга оширишда баъзи техник ва ташкилий чекловлар мавжуд бўлиб, уларга:

1. Рақамлаштириш учун зарур бўлган техник инфраструктура ва ресурсларнинг етишмаслиги. Бу кучли компьютер тизимлари, ишончли интернет уланишлари ва замонавий дастурий таъминотни ўз ичига олади.

**2.** Маълумотларни ҳимоялаш ва кибер хавфсизлик билан боғлиқ муаммолар. Ҳуқуқий маълумотларнинг махфийлигини таъминлаш учун кучли шифрлаш ва хавфсизлик чоралари зарур.

**3.** Технологияларнинг тез ўзгариши ва янги технологияларни жорий этиш билан боғлиқ чекловлар. Бу доимий равишда тизимларни янгилаш ва ходимларни ўқитишни талаб қилади.

4. Суд ходимлари ва ҳуқуқшуносларнинг рақамлаштирилган тизимлардан фойдаланиш бўйича тайёргарлиги ва билимларининг чекланганлиги.

**5.** Суд тизимида мавжуд бўлган анъанавий ишлаш усулларидан рақамлаштирилган тизимларга ўтишда маданий ва ташкилий қаршиликлар.

**6.** Рақамлаштиришни амалга ошириш учун зарур бўлган молиявий ресурсларнинг чекланганлиги, хусусан қуйи ва ўрта миқёсдаги суд тизимлари учун.

**7.** Рақамлаштиришга мос келадиган қонунчилик ва меъёрий базанинг етишмаслиги ёки эскирганлиги.

Рақамлаштиришнинг суд ҳукмлари чиқариш жараёнига таъсири қуйидаги асосий жиҳатларда кўриб чиқилиши мумкин: Рақамлаштириш суд ҳукмларини чиқариш жараёнини тезлаштиради, чунки электрон ҳужжат айланиши анъанавий қоғоз ишларидан анча тезроқ амалга ошади, маълумотларни тезкор қайта ишлаш ва қарорларни тезроқ қабул қилиш судларнинг умумий самарадорлигини оширади, жараёнларни автоматлаштириш вақт ва маблағларни тежайди, чунки камроқ вақт сарфланади ва камроқ ходимлар жалб қилинади. Бу айниқса ҳозирги иш юкламалари вақтида судлар томонидан ёзиладиган қарорларга камроқ вақт ажратиш имконини беради.

**Хулоса.** Суд ҳукмини чиқариш жараёнини такомиллаштиришда рақамлаштириш имкониятларидан фойдаланиш бўйича қуйидаги амалий тавсиялар берилади:

**Рақамли инфраструктура ва технологияларни ривожлантириш**: Суд тизимлари учун замонавий рақамли инфраструктура ва технологияларни, масалан, кучли серверлар, ишончли интернет уланишлари ва хавфсизлик тизимларини ривожлантириш.

**Ходимларни ўқитиш ва малакасини ошириш**: Суд ходимлари ва ҳуқуқшуносларни рақамлаштирилган тизимлардан самарали фойдаланиш бўйича ўқитиш ва уларнинг малакасини ошириш.

**Кибер хавфсизлик чораларини кучайтириш**: Маълумотларни ҳимоя қилиш ва кибер ҳужумларга қарши туриш учун кибер хавфсизлик чораларини кучайтириш.

**Фойдаланувчиларга йўналтирилган интерфейсларни яратиш**: Фойдаланувчиларга қулай ва осон тушуниладиган электрон интерфейслар ва дастурий ечимларни ишлаб чиқиш.

**Сунъий интеллект ва автоматлаштириш**: Сунъий интеллект ва автоматлаштирилган тизимларни суд қарорлари чиқариш ва бошқа суд жараёнларида қўллаш.

**Блокчейн технологиясини жорий қилиш**: Ҳуқуқий ҳужжатлар ва суд қарорларининг ишончлилигини ва шаффофлигини таъминлаш учун блокчейн технологиясидан фойдаланиш.

**Электрон судловни кенгайтириш**: Суд мажлисларини онлайн ўтказиш имкониятларини кенгайтириш ва бу орқали судлов жараёнларини самаралироқ ва тезроқ амалга ошириш.

**Интеграция**: Турли вазирликлар ва идораларнинг ахборот тизимлари билан интеграция ва маълумотларни алмашиш имкониятини ошириш.

Юқоридаги фикрларимиздан келиб чиқиб, айтишимиз мумкинки, рақамлаштириш технологияси суд ҳукмини чиқариш жараёнини такомиллаштиришда кўплаб истиқболларни беради, яъни бу технологиялардан фойдаланиш суд қарорларини шакллантиришни тезлаштиради, ҳужжатларни автоматик тарзда олиб, малакали анализ қилишга имкон беради ҳамда чиқарилган қарорларни кенг жамоатчилик томонидан фойдаланилишига қулайроқ имконият яратиб беради.

**Адабиётлар/Литература/References:**


1. Rule of law and public digitalization Copenhagen: Nordisk Ministerråd, 2021.
2. Waage, Frederik, et al. "Digitalization at the Courts." Nordic Council of Ministers, 2022.
3. Тихомиров Ю.А., Антонова Н.В., Бальхаева С.Б., Гаунова Ж.А. Юридическая концепция роботизации: монография. М.: Проспект. 2019, 240с.
4. Котлярова В.В. К вопросу о цифровизации процесса отправления правосудия. Арбитражный и гражданский процесс. 2019. № 12. С. 46-49.
5. Европейская этическая хартия об использовании искусственного интеллекта в судебных системах и окружающих их реалиях. Принята на 31-м пленарном заседании ЕКЭП. – URL: https://rm.coe.int/ru-ethical-charter-enversion-17-12-2018-mdl-06092019-2-/16809860f4 (дата обращения: 10.10.2020г.).
6. Правосудие в современном мире: монография / под ред. В.М. Лебедева, Т.Я. Хабриевой. – М.: Изд-во «Норма, Инфра–М», 2012 // СПС «Консультант Плюс.
7. Мацкевич П.Н. Попытка унификации правил преюдиции в цивилистических процессуальных кодексах // Законы России: опыт, анализ, практика. – 2019. - № 10 // СПС «Консультант Плюс».
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, 03.09.2020 йилдаги ПҚ-4818-сон., https://lex.uz/docs/4979896;
9. Уголовно-процессуальный кодекс Республики Узбекистан, 2021 yil 21 apreldagi O‘RQ-683-sonli Qonuni tahririda — Qonunchilik ma’lumotlari milliy bazasi, 21.04.2021 y., 03/21/683/0375-son, https://lex.uz/docs/111460.
10. Постановление Пленума Верховного Суда Республики Узбекистан “О судебном приговоре” от 23.05.2014 года, № 7. https://lex.uz/uz/docs/2413562.
11. Алишаев С.Т. Sudebnoe reshenie: zakonnost, spravedlivost i bespristrastnost //Herald pedagogiki. Nauka i Praktyka. – 2022. – Т. 2. – №. 2.
12. Алишаев С.Т. Суд ҳукмини тузиш ва расмийлаштириш муаммолари //E Conference Zone. – 2022. – С. 176-179.

13. Алишаев С. Т. Одил судловнинг якуни ҳужжати сифатида ҳукм //E Conference Zone. – 2022. – С. 171-175.
14. Алишаев С. Т. Особенности вынесения судебного приговора в англосаксонской правовой системе //Gospodarka i Innowacje. – 2023. – Т. 39. – С. 26-35.
15. Tursunboevich A. S. Issues of improving the procedure for preparing a criminal case for trial //World Bulletin of Management and Law. – 2023. – Т. 25. – С. 1-4.

**ISSN:** 2181-1342 (Online)
**Сайт:** https://scienceproblems.uz
**DOI:** 10.47390/SPR1342V4I1Y2024

# SCIENCEPROBLEMS.UZ

## ИЖТИМОИЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

*№ 1 (4) – 2024*

## АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

## ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари”** электрон журнали 2020 йил 6 август куни 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

**Муассис**: “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамияти

**Таҳририят манзили:**

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил: scienceproblems.uz@gmail.com

**Боғланиш учун телефонлар:**

(99) 602-09-84 (telegram).